# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 31-iyul, payshanba № 92 (3441)


**Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.**

**Ислом КАРИМОВ**

## ВОДИЛЛИК ТИКУВЧИ

цех очиб, йигирмага яқин қизни ишли қилди

**Мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармон хотин-қизлар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасини Фарғона тумани Водил қишлоғида яшовчи Дилобар Ғаниева фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Моҳир чевар Дилобар Фарғона тумани марказида тикувчилик цехи очиб, йигирмага яқин қизни ишга жалб қилди. Мазкур цехда замонавий дизайнда тикилаётган бежирим кийим-кечакларга талаб тобора ортмоқда.

**Суратларда: (чапда) Дилобар Ғаниева шогирдлари билан; тадбиркор Дилобар Ғаниева.**

**ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар**

## Ким эдигу ким бўлдик?

***Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудлари — пойтахтимиз, вилоятлар марказидан тортиб энг чекка қишлоқларгача ҳамма жойда энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Қутлуғ шодиёна арафасида кимдир сўзи, кимдир амалий иши билан юрт ободлигига, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ҳаракатида. Истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимиз, буюк ўзгаришлардан фахрланиш туйғуси, жўшқин ва кўтаринки кайфият катта-ю кичикнинг қалбидан жой эгаллаган. Тўрт киши давра қурган жойда, албатта, бугунги дориломон кунларга етказганига шукроналик, эртанги кунга ишонч хусусида гап боради.***

# Ёруғ кунлар шукронаси

**Ҳидоятулло АҲМЕДОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгашининг раиси, меҳнат фахрийси:**

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Айниқса, қарорда таъкидланган «Ким эдигу ким бўлдик?» деган саволга хаёлан жавоб изларканман, беихтиёр яқин ўтмиш билан бугунги кунимизни қиёсладим. Чиндан ҳам кеча биз ким эдик? Мустақиллик бизга нима берди?

Ўтган асрнинг пахта яккаҳокимлиги авж олган 70-80-йилларини катта авлод вакиллари яхши эслашади. Деҳқончилик қилиш мумкин бўлган барча ерлар, ҳатто идоралар олдидаги майдонлардан тортиб аҳоли хонадонлари этагига қадар пахтазор эди. Бу ҳам майли-я, энг аламлиси, халқимиз ўша оғир ва машаққатли меҳнатининг маҳсули — «оқ олтин»ига эгалик қилолмасди.

Қишлоқда одамларнинг ғаллазорларга қоп кўтариб чиқиб, ўримдан бўшаган далада бошоқ териб юрганлари кечагидек кўз ўнгимда. Ҳатто бир гал 10-12 ёшли болакайнинг тўкилган бошоқни тераман, деб комбайн тагига кириб кетишига бир баҳя қолганлигига гувоҳ бўлганмиз. Чунки рўзғор ташвиши, озиқ-овқат муаммоси кишиларни мана шунга мажбур қилар эди. Халқ бир кунни оч қолмай, амалдаб ўтказиб олганидан хурсанд бўлса-да, эртага нима ебичамиз, деган ташвиш билан яшарди.

Хайрият, юртимиз истиқлолга эришиб, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, ғалла мустақиллиги қўлга киритилди. Бугун ўзбек деҳқони ўз пахтасининг соҳибига айланган. Бозор расталаридаги хилма-хил маҳсулотлар, серобчиликдан бошингиз айланади. Ун керак бўлса, танлов имконияти кўплигидан қайси биридан харид қилсам экан, дея бир зум ўйланиб қоласиз. Энг муҳими, кўнгил хотиржам. Бу нимани шарофати? Албатта, мустақилликнинг, тинчлик-осойишталикнинг.

Истиқлол берган имкониятларнинг саноғи йўқ. Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Биргина транспорт соҳасини олайлик. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида автозаводга асос солинганлиги, чиндан-да, мустақилликнинг катта мўъжизаси бўлди. Илгари маҳалладаги бармоқ билан санарли одамлардагина енгил машина бўлар эди. Бугун-чи? Маҳалламиз «Ласетти», «Спарк»ларга тўлиб кетган. Ҳатто айрим оила вакиллари икки-учтадан замонавий учқур «тулпор»ларга эга. Мазкур автокорхонанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, минглаб йигит-қизларни, мутахассис ёшларни иш билан банд этганлигидир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини, яшаш шароитини ҳар жиҳатдан яхшилаш йўлида олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ўзининг мевасини беряпти. Ҳаракат қилган инсон борки, яхши яшаяпти. Юртимизда ҳар бир киши иззат-эҳтиромга лойиқдир, деган тамойил ҳаёт ҳақиқатига айланганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Демак, мана шу қутлуғ, дориломон кунларга шукрона келтириб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг эртанги тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш — ўзини шу юрт фуқароси деб билган ҳар бир катта-ю кичик учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Чунки биз бу кунларга етган бахтиёр инсонлармиз.

**«Ishonch» мухбири Нурилло НЎЪМОНОВ ёзиб олди.**

## Танлов

***Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Энг фаол ёш қурувчи» ҳамда «Энг фаол ёш транспортчи» номинациялари бўйича танлов бўлиб ўтди.***

# Эртамиз яратувчилари

— Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, касб ва ҳунарга бўлган қизиқишларини кучайтириш, қолаверса, уларни илғор меҳнат усуллари ва ишлаб чиқариш технологиялари билан таништиришдир, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси Ўктам Турғунов. — Айни вақтда ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқаришни таъминлаш, улардаги қобилиятни мустақил давлатимизни ривожлантиришга сафарбар этишга жиддий эътибор қаратганмиз. Шунингдек, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўта долзарб масала бўлиб, ушбу вазифаларни амалга ошириш борасида барча имкониятларни сафарбар этганмиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилган танловнинг дастлабки босқичида 462 та корхонада меҳнат қилаётган мингга яқин ёш мутахассислар ноанъанавий услублар, яратилаётган янги инновацион ишланма ва кашфиётларни намойиш этишди. Танловнинг республика босқичида транспорт ҳамда қурилиш соҳасида фаолият юритиб, илғор ғояларни илгари сураётган жами 28 нафар ёш мутахассис билим ва тажрибаларини яна бир бор синовдан ўтказди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

## Илмий-амалий конференция

***Бухоро муҳандислик-технология институтида иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, улар салоҳиятини юзага чиқаришга шароит яратиш мақсадида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.***

# Ёш истеъдодлар истиқболини кўзлаб

Конференция доирасида «Соғлом авлод ғоясининг тарихий фалсафий негизлари», «Глобаллашув даврида соғлом бола тарбиясининг мафкуравий муаммолари ва ечимлари», «Замонавий технологиялар тараққиёти ва соғлом авлод тафаккури», «Соғлом бола тарбияси талабалар нигоҳида» йўналишлари бўйича 300 га яқин илмий материал кўриб чиқилди. Мутахассислар томонидан уларнинг аксарияти тўплам шаклида чоп этилди. Тўпламдан институт профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда, иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олгани эътиборга лойиқ.

Анжуманда профессор-ўқитувчилар, талабалар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва касаба уюшма фаоллари, меҳнат фахрийлари қатнашди. Институт ректори, профессор Улуғбек Муҳамедхонов тадбирни очар экан, ечимини кутаётган долзарб масалаларга эътиборни қаратди. «Тарих» кафедраси мудири Фармон Аминов, меҳнат фахрийси, профессор Гулчеҳра Наврўзова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Маҳмуд Тоировлар ўз маърузаларида баркамол авлодни тарбиялаш, жисмонан соғлом, маънан етук ёшларни камол топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Анжуман якунида «Энг долзарб мавзу» муаллифлари ва илмий-амалий конференция ташкилотчиларига институт касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

***Истиқлолнинг ҳаётбахш нурлари таъсирида Жиззах вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси, аҳолининг турмуш тарзи тубдан ўзгарди, озод мамлакатнинг обод ҳудудларидан бирига айланди. Кейинги ўн йилликларда қад кўтарган турар жой бинолари, саноат корхоналари, ижтимоий-маданий иншоотлар, мактаб ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуаларининг ҳар бири ўзига хос мўъжиза бўлди, десак, асло муболаға эмас.***

# БУРЧИМИЗ — ЭЛГА КАМАРБАСТАЛИК

Муҳими, таҳсинга лойиқ ишларнинг аксарияти касаба уюшма аъзоларининг ташаббуси, меҳнати билан амалга оширилаяпти. Турли мулк шаклига эга бўлган хўжалик субъектларида ишлаётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор кучайиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда вилоятда амал қилаётган битта ҳудудий Келишув, 13 та тармоқ, 25 та (шаҳар) туманлар миқёсидаги ҳудудий тармоқ Келишувлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 6788 та жамоа шартномалари мазмун-моҳиятининг давр талаби асосида такомиллаштирилиши орқали 189.470 киши касаба уюшмалари ҳимоясига олинган.

Касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида ижтимоий шериклик асосида тузилаётган жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари аниқ ифода этилмоқда. Тармоқ келишувларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишга, қонун ҳужжатларига нисбатан қўшимча меҳнат кафолатларини белгилашга, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар акс этишига эришилмоқда. Ижтимоий кафолатлар, соғлиқни сақлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштириш яхшиланди.

Ҳозирда вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган минтақавий келишув амал қилмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси 202747 нафар касаба уюшма аъзосини, 1485 та бошланғич ташкилотни, 40 та туман (шаҳар) кенгашларини бирлаштиради.

Нодавлат тизимда хўжалик юритувчи субъектларни аъзоликка жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Бугунга келиб 477 та нодавлат тизимидаги 2472 нафар ишчи-ходимлар аъзоликка олиниб, бошланғич ташкилотлар тузилди.

***(Давоми 2-3-саҳифаларда).***

***Фаолиятини Қизилтепа туманида 1989 йилда бошлаган «Раҳим» кичик корхонаси аҳли дастлаб ғишт ишлаб чиқариш билан шуғулланарди. Давр ўз тузатишини киритди. Янгидан-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш имкони туғилди.***

## КЎП ТАРМОҚЛИ КОРХОНА

Мустақиллик йилларида Меҳриддин Раҳимов раҳбарлигидаги жамоанинг хизмат доираси кенгайтирилиб, 45 киши иш билан таъминланди.

Ванғози марказида мебел ишлаб чиқариш, тикувчилик цехи ишга туширилгач, Чехословакия маҳсулоти «МТЕХ» русумли калава ипдан мато тўқийдиган агрегат келтирилиб ўрнатилди. Бу билан яна ўн киши ишли бўлди.

— Ўзимиз ишлаб чиқарган матога Тошкентдаги махсус корхонада турли гуллар бостирилиб, сўнг тикув цехимизда кийим-кечаклар тайёрланмоқда, — дейди жамоа раҳбари. — Ҳар йили камида 5 кишини фойдали меҳнатга жалб қилиш шиоримизга айланган.

**Баҳодир ЭГАМОВ**

Касаба уюшмалари:

# ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 31-iyul № 92 (3441)

***Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг республика тармоқ босқичи ўтказилди.***

## Ижод ва изланиш даври

Танловда «Энг фаол ёш коммуналчи», «Энг фаол ёш ҳунарманд» ҳамда «Энг фаол ёш тадбиркор» йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 40 нафар қатнашчи ўз салоҳиятини намойиш этди. Тақдим этилган ҳужжатлар ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган мезонларга асосан ўрганиб чиқилди. Иштирокчиларнинг қўл меҳнати билан бажарган ишлари ҳамда кўрик-танловларда қўлга киритган ютуқлари таҳлил қилинди. Танлов якунига кўра «Энг фаол ёш тадбиркор» номинацияси бўйича биринчи ўрин Бухоро вилоятидаги «Шуҳрат Машсервис» МЧЖ ижрочи директори Шерзод Раҳмоновга насиб этди. 2-ўринга Қашқадарё вилояти «Косон Равожтекстил» оилавий корхонаси раҳбари Лобар Қурбонова, 3-ўринга Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Баҳор илҳоми» оилавий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Руҳиддинова муносиб деб топилди.

«Энг фаол ёш ҳунарманд» йўналиши бўйича 1-ўрин Тошкент вилояти вакили Шавкат Юсуповга берилди. 2-ўринга қорақалпоғистонлик касаначи ҳунарманд Дилноза Адилчаева, 3-ўринга Фарғона вилоятидан Абдуллоҳ Мирзаахмедов сазовор бўлди.

«Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» йўналишида эса Тошкент шаҳар «Сувсоз» давлат унитар корхонаси етакчи мутахассиси Жамшид Зокиров 1-ўрин соҳиби бўлди. 2-ўринни Фарғона шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш ДУК Охунбобоев бўлими бошлиғи Азизбек Мамараимов, 3-ўринни Самарқанд вилояти «Мулён» сув тарқатиш бўлими бошлиғи Иброҳим Шерматовлар эгаллади.

**Шерзод Раҳмонов, «Шуҳрат Машсервис» МЧЖ ижрочи директори:**

— 2011 йил Бухоро Давлат университетининг кимё-биология факултетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Биринчи курсдан бошлаб умумий кимё кафедраси профессори М.Омонов раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб боряпман. Парандачилик мини-фабрикалари учун ниҳоятда зарур бўлган, қўл меҳнатини енгиллаштирадиган «Орзу-1», «Орзу-2» ускуналарини яратдим. Айни вақтда парранда қафасларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонам фаолиятини янада ривожлантириш учун изланишларимни давом эттираяпман.

**Дилноза Адилчаева, «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича 2-ўрин соҳиби:**

— Нукус шаҳридаги маданият ва санъат коллежининг 1-босқич ўқувчисиман. Миллий каштачилик сирларини устозим Наригул Нағметовадан ўрганганман. Мақсадим, халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклашга ўз ҳиссамни қўшиш. Айни вақтда тенгдошларим ва мактаб ёшидаги қизларга миллий каштачилик сирларини ўргатиб келяпман. Бугунги кунда шогирдларим сони 20 нафарга етди.

Танловда совринли ўринни эгаллашим менга қанот бағишлади, десам янглишмайман. Эндиликда бундай танловларга янада масъулият билан тайёрланаман.

Танловда 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ёш мутахассислар Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Шунингдек, уларга республика Форумида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

## Эртамиз яратувчилари

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

«Энг фаол ёш қурувчи» номинацияси бўйича биринчи ўрин «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти муҳандис қурувчиси Шуҳрат Бобоевга насиб этди. Иккинчи ўринга Тошкент шаҳридаги «12-трест» ОАЖ 50-қурилиш бошқармасининг дастурловчиси Азиз Мирносиров муносиб деб топилган бўлса, Бухоро вилоятидаги «Қурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият муҳандиси Шерзод Одилов 3-ўринни эгаллади.

«Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича пойтахтимиздаги «18-автобус саройи» ОАЖ бўлим бошлиғи Саъдулла Ғофуров ғолиб деб топилди. «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти директори ўринбосари Шаҳобиддин Шарипов 2-, «Нукус транспорт бошқармаси» бош мутахассиси Тимур Пахриддинов 3-ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар ЎзКУФК томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика Форумида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди. Шунингдек, улар ўз иқтидор ва тажрибаларига кўра Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассисларнинг инновацион ғояларини янада ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этишлари учун ажратилаётган махсус грантларни қўлга киритиш имконига ҳам эга бўлишди.

**Саъдулла Ғофуров, 18-автобус саройи ОАЖ бўлим бошлиғи:**

— «Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича республика босқичида ғолиб чиққанимдан хурсандман. Ютуқ кишини янада изланишга чорлайди. Амалга ошираётган ишларимизнинг бесамар кетмаётгани биз, ёшлар учун катта мукофот.

**Шерзод Одилов, Бухоро вилоятидаги «Қурилишлойиҳа» МЧЖ муҳандиси:**

— Танловга Ғиждувон шаҳридаги Юсуф Ҳамадоний кўчасидаги 1000 ўринли савдо растаси ҳамда Бухоро вилоят кўптармоқли тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги 250 ўринли диагностик-маслаҳатхона поликлиникаси лойиҳаси билан иштирок этиб, қурилиш номинацияси бўйича 3-ўрин соҳиби бўлдим. Бу менда янгидан-янги изланишлар учун рағбат уйғотади.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Кейинги йилларда такомиллаштириш йўлидан борилиб, касаба уюшмаларида иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ички касаба уюшма ишлари сифати тубдан яхшиланди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида янги ташкил этиладиган корхона, ташкилот, муассаса ва якка тартибдаги ҳамда тадбиркорлик субъектларига фаолиятини ташкил этиш ҳамда касаба уюшма ташкилотларини тузиш жараёнида уларга зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш учун жамоатчилик асосида ташкил этилган «Услубий марказ» фаолият кўрсатиб турибди.

Янги ахборот технологиялари асосида касаба уюшмаларида ахборот коммуникация тизимини такомиллаштириш бўйича бирлашма кенгаши бўлими мудирлари, мутахассислари ҳамда Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари тўлиқ ички тармоққа уланди. Туман, шаҳар касаба уюшмалари тармоқ ташкилотларида электрон манзилни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, зарур ҳолларда имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Натижада, бугун

**ЖИЗЗАХ**

га меҳнат муҳофазаси борасидаги бажарилиши лозим бўлган ишлар борасида амалий ёрдам кўрсатиш баробарида иш берувчиларга 123 та тақдимнома киритилди ва уларнинг бажарилишига эришилди.

Имзоланган жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун сарфланган харажатлар

# БУРЧИМИЗ — ЭЛГА

ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳолатларининг олдини олиш масаласи вилоят касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу мақсадга йўналтирилган харажатлар 3139 миллион сўмни ташкил этди.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳамкорлиги бугун ўз самарасини бераётир. Вилоятдаги 1423 та бошланғич касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари оқибатида меҳнат муҳофазаси масалаларига 1.7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бериш мақсадида ўтган даврда 123 та корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликларининг ишлари ўрганилиб, уларнинг миқдори 3958,0 млн.сўмга етди.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 523633 сўмга тенг бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 561 та иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказилди.

Жамоа шартномалари орқали корхона, ташкилот ва муассасалар маблағи ҳисобидан ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. 44 та ана шундай меҳнат жамоаларида иш берувчилар ҳисобидан 239 нафар ходим ўз саломатликларини тикладилар. Ушбу тадбирлар учун 122,9 миллион сўм маблағ сарфланди.

## Нодавлат секторда нима гап?

***Қулай иқлим ва бой табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш, муҳими, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга берилган кўплаб ҳуқуқий-молиявий кўмак натижасида ишлаб чиқаришда хусусий сектор улушининг сезиларли ортиши, шунингдек, экспорт салоҳиятининг юксалишига эришилмоқда.***

# АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИГИ НАМОЁН

Нодавлат секторда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг улуши вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишида тоборо ортиб бораётир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот бугун ички бозордагина эмас, хорижда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Асосий мақсад — хом ашёни арзон нархларда эмас, балки бирламчи ва иккиламчи тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ҳамда ёшларни кафолатланган иш ўрни билан таъминлашдан иборат.

«Jizzax- Plasteks» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси туфайли 800 нафар жиззахлик маҳаллий ёш ишли бўлди. Корхонамиз йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Қувватлар босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Биринчи босқичда йилига 8,5 минг тонна калава ип тайёрлаш ҳамда 4 минг тонна мато ишлаб чиқариш имкони мавжуд.

Ҳозирда иккинчи босқич тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу тариқа йилига тўрт минг тонна трикотаж матосини бўяш, олти миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Корхонамизда бошлағич касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлиб, у ўз фаолиятини муваффақиятли тарзда олиб бормоқда. Аъзоларимиз 2014-2016 йилларга тузилган жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва қулайликлардан баҳраманд бўлишаяпти.

Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ходимларни автобус манзилларига элтиб қўяди. Кечки ва тунги сменада ходимларга бепул иссиқ овқат ташкил этилаяпти. Шунингдек, сут, қатиқ, тушлик овқат бепул берилмоқда. Уларга иш жойида кийиш учун уч миллион сўмлик енгил оёқ кийимлари тарқатилди. Икки нафар ходим «Зомин» санаторийсида имтиёзли йўлланма билан дам олиб қайтди. Ходимларнинг юздан ортиқ фарзанди мактаблар қошидаги , 16 нафари эса «Пахтакор», «Ш.Рашидов» номли стационар оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Ана шу каби аъзолик афзалликларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Демак, энг оммавий жамоат ташкилотига аъзо бўлиб ҳеч ҳам хато қилмабмиз.

Яқинда Канаданинг «HUSKY» технологияси асосида уч хил кўринишдаги елим идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айтиш жоизки, корхонамизга асосан касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар қабул қилинаяпти. Келгусида ходимларни Германия, Швейцария, Жанубий Кореядаги турдош корхоналарда малака оширишлари режалаштирилган.

**Озод ХОЛЖЎРАЕВ,**
**қўшма корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Ходимлар гимнастикаси

***Одатдагидек бугун ҳам болалар шифокорлари ишхонага барвақт етиб келишди. Улар кўча кийимини ишхона спорт зали ёнидаги хонада алмаштиришди-да, инструктор ҳамроҳлигида эрталабки гимнастика машғулотларини бошлаб юборишди...***

# САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ана шундай гимнастикадан сўнг ҳар бир ходим кун давомида ўзини қушдай енгил сезиб, иш унумдорлиги самарали бўлиши аниқ.

Бу Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида оммавий спорт ишлари йил сайин жонланиб бормоқда. 2012 йили мослаштирилган спорт зали тўла таъмирланиб, ишга туширилди. Зални спорт анжомлари билан жиҳозлашга 900 минг сўмлик маблағ сарфланди. Спорт инструктори тайинланди. Ҳар куни эрталаб ходимлар иш вақти бошлангунга қадар мутахассис кўмагида гимнастика машғулотларини бажаришади. Тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг шаҳар, вилоят босқичларида жамоа хотин-қизларининг қўли баланд келаётгани ҳам бежиз эмас.

— Ходимларнинг соғлом турмуш тарзи асосида меҳнат фаолиятини олиб бориш, ходимлар гимнастикаси орқали саломатлигини яхшилаш, камҳаракатлик туфайли юзага келувчи турли касалликлардан сақланишга кўмаклашиш борасида касаба уюшмаларининг фаолияти эътиборга лойиқ, — дейди вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят КУТБК аъзоси Холида Алимова. — Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ходимлар гимнастикасини ташкил этиш бўйича тавсияси асосида иш юритаяпмиз.

Вилоятдаги барча корхона ё ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш бўйича тавсиялар асосида гимнастик машқлар бажарилиши юзасидан спорт йўриқчилари ва бошқа масъуллар бириктирилиб, унинг мунтазам ва узлуксиз ўтказилиши назоратга олинган. Натижада, ходимлар гимнастикаси жорий этилаётган, мулкчилик шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони ортиб бормоқда.

Дастлабки мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ходимлар гимнастикаси натижасида ходимлар меҳнат фаолияти самарадорлиги ортиб, касалликлар камаймоқда. Энг асосийси, ўз саломатлиги йўлида қайғураётган ходимларнинг оилавий шифохоналарга мурожаат этиш ҳолатлари озаймоқда.

Бу борадаги ишлар самараси вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши баробарида, бирлашма веб-сайтига ҳам жойлаштирилмоқда.

**Шарофиддин БАҲРИДДИНОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири**



## Интенсив боғ — тўкин дастурхон манбаи

***Туманимизда интенсив боғлар яратишга йил сайин катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳозиргача уларнинг майдони 170 гектарга етди. Жорий йилда яна 104 гектарга кенгайтириш режалаштирилган.***

# «КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...»

Бундан уч йил аввал ҳудудимизда «Agro natural invest» МЧЖ шаклидаги агрофирма ташкил этилиб, 8 гектар майдонга «Жереми», «Фуджи», «Голден Эйпл», «Пинкледи» каби олти турдаги паст бўйли 23 минг туп олма кўчати 2х4 схемада экилди. 2012 йили 30 тонна ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 110 тонна олма йиғиштириб олинди. Бу йилги мўлжалимиз 200 тоннадир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўчатлар тўртинчи йили тўлиқ кучга киради.Ана шунда ҳар гектар ердан 50-70 тоннагача ҳосил олиш имкони туғилади. Бу, ҳар туп ниҳол 20-30 килограммдан мева беради деганидир. Ўн беш йил давомида сермева дарахт қанча ҳосил беришини энди ўзингиз ҳособлайверинг.

Серҳосил шох синиб кетмаслиги учун дарахтлар симбоғозларга биркитилган. Бизнинг лалмикор ҳудудимизда боғни томчилатиб суғориш жуда муҳим. Артезиан қудуғидан сув олиниб, қирқ тонналик идишларда тинитилади. Идишдаги сув суғориш тизимига ўтказилгунича зарур кимёвий ўғитлар билан бойитилади, филтрланади. Ниҳоллар ҳар икки кунда бир бор суғорилади. Томчилатиб суғориш ишларининг бари компютер орқали бажарилади.

Боғ устидаги тўр қопламаси мевани қуёш тафтидан, ёмғир ва дўл каби табиат хуружларидан асрайди.

Жорий йил 6 июнда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуида бўлиб ўтган симпозиумда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар, бу йўналишдаги эришилган натижалар тилга олинди.

Интенсив боғ юқори ҳосилдорлиги, меваларининг сифати, бугунги кун талабига тўла жавоб бериши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, улар бизнинг иқлимбоп дарахтлар эканига амин бўлдик. Тадбиркорларимиз ана шуларни эътиборга олиб, яна ўн гектар ерга беш турдаги гилос кўчати экишни режалаштирган. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли халқимиз дастурхонини сархил мевалар билан тўлатиш баробарида, олис қишлоқ одамларини доимий иш ўрни билан таъминлаш имконияти ҳам кенгаяди.

Ҳўл меваларни сифатли ва мўл-кўл қилиб етиштирибгина қолмай, уни қиш фаслида ҳам худди ёздагидек эл дастурхонига тортиқ қилиш муҳим. 350 тонналик сиғимли совутгич қурилмаси ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

**Н.СОБИРОВ,**
**Бахмал туманидаги «Ойқор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси**

# АЗИЗДИР ИНСОН!

## ВИЛОЯТИ КАМАРБАСТАЛИК

Шу билан бирга, жамоа шартномалари орқали 32 корхона, ташкилот ва муассасалардан 46 та ходим ва уларнинг оила аъзолари иш берувчилар ҳисобидан ўз саломатликларини тикладилар. Ушбу тадбирлар учун 21,1 млн.сўм маблағ сарфланди.

Жамоа шартномалари асосида 162 та корхона ва ташкилотларда қўшимча таътиллар ўрнатилди. Улардан фойдаланадиган ходимлар 1909 нафарни ташкил этмоқда.

Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳам биринчи галдаги вазифаларимиздан биридир. Бу йилги ёз мавсумида жами 68 та оромгоҳларда 9325 нафар, шундан 54 та мактаб қошидаги оромгоҳларда 5225 нафар, 14 та шаҳардан ташқари оромгоҳларда 4100 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Барча оромгоҳлар корхона, ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан жорий таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди. Ш.Рашидов номли оромгоҳда қўшимча қурилиш, А.Темур номли оромгоҳда реконструкция ишлари амалга оширилди. Ҳозиргача мактаблар қошидаги оромгоҳларда 4925 нафар, стационар оромгоҳларда 3012 нафар бола имтиёзли, «Меҳрибонлик» уйининг 108 нафар тарбияланувчиси, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи мактаб-интернатнинг 22 нафар, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди маблағи ҳисобидан маҳаллалардаги 36 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали эҳтиёжманд 310 нафар меҳнаткашларнинг фарзандлари бепул соғломлаштирилди.

Вилоят кенгашининг туризмни ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар режасига асосан, олти ойда 433 нафар меҳнаткаш ва улар оила аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди. Бундан ташқари, республиканинг қадимий шаҳарлари, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга 1080 та оила вакилларининг саёҳатлари ташкил этилиб, 44.5 млн. сўм, шу жумладан, касаба уюшмаларининг 16.2 млн. сўм маблағи сарфланди.

Йил бошидан буён касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 587 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандлари бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг амалиёт ўтовчи талабаларига 11,2 млн. сўмлик моддий кўмак берилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба тур» веломарафони ўтказилиб, биринчи босқичида 96 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 1230 нафар ишчи-хизматчилар иштироки таъминланди, шаҳар ва туман босқичларида 570 нафар, вилоят босқичида 274 нафар ҳаваскор велоспортчилар куч синашишди.

Касаба уюшма ташкилотлари ташаббускор бўлган ёки иштирок этган яна кўплаб тадбирларни санаш мумкин. Бу — ташкилотимизнинг нуфузи кун сайин юксалаётганидан далолатдир.

**Нусратулло ПАРДАЕВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

## Сизнинг адвокатингиз

***Раҳбарнинг салоҳияти унинг ҳуқуқий билими даражаси, ходимларга бўлган муносабатида акс этади. Ҳар ишни қонун доирасида амалга оширадиган, кўпчилик фикри билан ҳисоблашадиган бошлиқнинг жамоасидан «гап» чиқмайди.***

# Гапни гапир уққанга...

«Қизилқум-Серғайраткорлар» ёпиқ акционерлик жамияти раҳбарияти жорий йил бошида корхонанинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, ходимлар иш ҳақини қисқартиришга мажбур бўлди. Корхона бош ҳисобчиси Леля Цой меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида жамият бошқарувчисига ариза билан мурожаат этганда, унинг 2009 йил 6 июнидан 2014 йил 17 февралига қадар ишлаган даврида фойдаланмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўланиши масаласида тушунмовчилик келиб чиқди. Гап компенсация янги белгиланган — камайтирилган иш ҳақи бўйичами ёки аввалги — кўпроқ ҳисобланган маош билан белгиланадими, деган савол устида борарди. Охир-оқибат тўлов корхона раҳбарининг 2014 йил 20 январдаги буйруғига асосан, қисқартирилган миқдорда ҳисобланадиган бўлди.

Натижада фуқаро Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига мурожаат қилиб, компенсация пулини бошқатдан ҳисоблашда амалий кўмак беришни сўради. Касаба уюшма ҳуқуқшунослари томонидан масала атрофлича ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида иш берувчига тақдимнома киритилди. Хатони тан олиш марднинг иши. Ёпиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти тақдимномада кўрсатилган талаблар мамлакатимиз қонунларига тўла мос келишини англаб, камчилигини ўз вақтида тузатишга киришди. Фуқаро Л.Цойнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, унга қўшимча 4.434.336 сўм миқдордаги маблағ тўлиғича тўлаб берилди.

Энди қуйидаги ҳолатга эътибор қаратсак. Республика кенгашига Чирчиқ шаҳридан фуқаро Ҳабибулло Юнусов 2012 йил 28 октябрдан имтиёзли пенсияга чиққан бўлиб, пенсия жамғармасининг Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан жорий йилнинг 18 апрелидан бошлаб пенсияси тўхтатилганидан норози бўлиб шикоят қилди. Фуқаронинг ушбу мурожаати мамлакатимизда амалдаги пенсия таъминоти ва меҳнат қонунчилигига доир ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди. Натижада, пенсия жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлимининг хатти-ҳаракатларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш тўғрисида кўрсатма берилди. Бироқ жамғарма ходимлари ўз билганидан қолмай, ҳатто фуқаро Х.Юнусовга олиб келаётган пенсиясидан катта миқдорда пул ҳам қайтариш кераклиги ҳақида огоҳлантириш беришгани яра устига чипқон бўлди.

Вазият жиддий тус олгач, касаба уюшма мутахассислари Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритишди. Суд ишни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлимининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топди. Бўлим фуқаро Х. Юнусовнинг Ўзбекистон қаттиқ қотишма ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлаган даврини имтиёзли иш стажи сифатида ҳисоблаб, ёшга доир пенсия тайинлаш мажбуриятини юклади.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош ҳуқуқшуноси**

## Туризм

***Зоминга йўлингиз тушса, шаҳарчанинг қоқ марказида шундай кўргазма-лавҳа диққатингизни тортиши тайин: «Токио-6111 километр», «Деҳли-1461 километр», «Осло-4503 километр», «Берлин-4040 километр», «Тошкент-194 километр»... Дунёнинг ўнлаб бундай таниқли ва машҳур шаҳарларига Зоминнинг нима дахли бор экан, деган югурик хаёл бир зумга сизни банд этиши аниқ.***

# БИР ЎЛКАКИ...

Гап шундаки, жаннатмонанд юртимизнинг бир бўлаги ҳисобланган ушбу гўшада ҳам янги туристик хизмат турлари очилиб, юзлаб доимий иш ўринлари яратилмоқда.

Кези келганда туманимиз саёҳлик тизими имкониятларига озгина тўхталсам. 27 минг гектар майдонни эгаллаган қалин арчазор тоғ табиатига ўзгача файз, тароват бағишлаш баробарида оби-ҳаёт, мусаффо ҳаво манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Агар бир туп арча томири атрофида икки тоннагача сув тўплашини, бир тупи суткасига битта қишлоққа етгулик кислород ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, бу бебаҳо яшил бойлигимизга меҳримиз янада ортади.

Сайёҳлар ташрифи кун сайин ортмоқда. Биргина ўтган йили Зоминни кўриш иштиёқида 32 минг сайёҳ келган бўлса, уларнинг бешдан бири Германия, Франция, Хитой, Россия, Қувайт, Озарбойжон, Ҳиндистон сингари хориж мамлакатлар фуқароларидир.

Бундан икки йил аввал тоғ чанғиси спорт трассаси буёд этилиши қиш фаслида ҳам гўшамизни сайёҳлар қадами узилмас маконга айлантирди. Ўтган мавсумда 500 нафардан зиёд тоғ чанғиси ишқибозлари ташриф буюрди.

Туманимизда 300дан зиёд устаҳунарманд тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, темирчилик, буюмлари билан бир қаторда чопон, дўппи, кичик гилам, олача, зулбарақ сингари ўттиздан ортиқ турда тайёрлаётган маҳсулотлари сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Хорижликлар ҳунармандларимиз ашёларини жон деб харид қилишаяпти.

Бугунги сайёҳ пиёда, отда, велосипедда саёҳат қилиш имкониятига эга.

Деворларига энг қадимий ёзувлар битилган Пишоғор ғори, Қорахонийлар даврига оид Оқтепа, Култепа номи билан аталувчи шаҳар қолдиқлари сайёҳлар эътиборини тортмай қолмайди. Шулар қаторида «Кўктўнли Ота», «Қўрғонтепа», «Азлартепа», «Бобо ёнғоқ» каби йигирмага яқин тарихий ёдгорлик ва муқаддас қадамжолар мавжуд.

Сайёҳларга хизмат тизими ҳам мукаммаллашиб бормоқда. Ҳозирда йигирмадан ортиқ меҳмон уйлари сайёҳлар хизматида. Шулар баробарида туман марказида иккита эллиқ ўринли меҳмонхона қад ростлаяпти.

Туманимизда биргина туризм йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг кичик бир жиҳатига имкон қадар тўхталдим, холос. Яхшиси, ўзингиз Зоминга келиб меҳмон бўлинг, мўъжизалар гувоҳига айланинг!

**Эргаш АЛЛАМУРОДОВ,**
**таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зомин туман кенгаши раиси**

## Жиззах махсус индустриал зонасида

***Юртбошимиз 2013 йил 18 мартда «Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Ўтган даврда ана шу тарихий ҳужжат асосида муайян ишлар амалга оширилди.***

# ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА

Жиззах шаҳрининг саноат ҳудудида жами қиймати 286,1 миллион АҚШ долларига тенг меҳнаткаш ва улар оила аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди. Бундан ташқари, республиканинг қадимий шаҳарлари, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга 1080 та оила вакилларининг саёҳатлари ташкил этилиб, 44.5 млн. сўм, шу жумладан, касаба уюшмаларининг 16.2 млн. сўм маблағи сарфланди.

Йил бошидан буён касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 587 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандлари бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг амалиёт ўтовчи талабаларига 11,2 млн. сўмлик моддий кўмак берилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба тур» веломарафони ўтказилиб, биринчи босқичида 96 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 1230 нафар ишчи-хизматчилар иштироки таъминланди, шаҳар ва туман босқичларида 570 нафар, вилоят босқичида 274 нафар ҳаваскор велоспортчилар куч синашишди.

Касаба уюшма ташкилотлари ташаббускор бўлган ёки иштирок этган яна кўплаб тадбирларни санаш мумкин. Бу — ташкилотимизнинг нуфузи кун сайин юксалаётганидан далолатдир.

**Нусратулло ПАРДАЕВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

## Эъзоз

***Ҳайдар Бобожонов кўп йиллардан буён «Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонасида меҳнат қилиб келади. Унинг ўғли Темур ҳам ота изидан бориб шу касбни танлади. У ҳали ёш бўлишига қарамай жамоанинг энг илғор ҳайдовчилари сафидан жой олди.***

# НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТ

Ота-боланинг ҳалол ва самарали меҳнатини тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳар доим қўллаб келади. Яқинда жамоат ташкилоти уларга чангютгич ва электропеч совға қилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти Рамазон ҳайити олдидан бир гуруҳ ходимларнинг ҳар бирига жамоат ташкилоти маблағи ҳисобидан юз минг сўмдан пул мукофоти топширилди. Мукофотга сазовор бўлганлар орасида янгиободлик Эрали Ниёзов, Уммат Каримов, зоминлик Мухрбек Алибеков, Жиззах туманилик Аҳмад Умаров сингари йўлсозлар ҳам бор.

— Касаба уюшма бюджетини шакллантиришда бир фоизлик хўжалик ажратмаларига таянамиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Бектемир Худойбердиев. — Турли хил тадбирлар, байрамолди мукофотларини амалга оширишимизда бу жуда қўл келаяпти. Яқинда «Жиззах йўл лойиҳа» масъулияти чекланган жамиятнинг фарроши Найрие Райимовага эллик ёшга тўлиши муносабати билан қимматбаҳо эсдалик совғаси топширдик.

Ана шу каби амалий ишлар туфайли мингдан ортиқ касаба уюшма аъзосини ўз сафига бирлаштирган бошланғич ташкилотнинг жамоа олдидаги нуфузи тобора ошиб бормоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## Ҳуқуқ муҳофазаси

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

***Меҳнат аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб, фаолиятимизнинг самарадорлиги ана шу вазифанинг муттасил ва мунтазам бажарилишига боғлиқ эканини яхши биламиз. Шунинг учун ҳар бир фуқародан, ходимдан келиб тушган оғзаки ва ёзма аризаларни, шикоятларни эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламиз.***

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилаларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида ташкил этилган юридик маслаҳатхона ва «Ишонч телефони» одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят КУТБК юридик бўлимига 102 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 54 таси ёзма, 48 таси оғзакидир. Шунингдек, "Ишонч" телефонлари орқали 102 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Маълумки, ходим ҳам, раҳбар ҳам ўзининг ҳуқуқ ва бурчини яхши билса, қонун бузилишларига йўл қўйилмайди. Шунинг учун юридик бўлим ходимлари томонидан турли ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, ходимлар бўйича мутахассислар ва касаба уюшмаси қўмитаси раислари учун ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Вилоят фермерлар Кенгаши билан қабул қилинган қўшма қарорга асосан тасдиқланган дастурга кўра фермер хўжаликлари раҳбарлари ва хўжаликларда меҳнат қилаётган ходимларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек, ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш борасидаги вазифалар юзасидан ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Ушбу семинарларда иш берувчиларнинг меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишга оид ваколатига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, меҳнат жамоаларидаги кўпгина кўнгилсизликлар иш берувчининг ўз ваколатини яхши билмаслигидан келиб чиқмоқда.

Масалан, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига 2013 йилда Жиззах кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган корхонасидан мурожаат қилган 20 нафар ходимларнинг ишдан ноқонуний бўшатилганлиги аниқланиб, судга даъво ариза киритилган ва 20 нафар ходим ҳам ўз ишига тикланган эди.

20 нафар ишга тикланган ходимлардан 5 нафари С.Саидова, Б.Худойқулова, Г.Каримова, И.Жўраева ва У.Шоматовалар ишдан бўшатилишдан норози бўлиб бирлашмага мурожаат қилишди.

Аризалар ўрганиб чиқилиб, улар муқаддам суд қарорига асосан янги иш берувчи Дўстлик туман йўл хўжалиги таъмирлаш фойдаланиш пудрат корхонасига ишга тикланган бўлишса-да, ишга тиклангач, улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиб, иш ҳақлари ғайриқонуний камайтирилганлиги ва шартнома муддати тугагач ишдан бўшатилганликлари аниқланди.

Уларнинг иши доимий характерга эга эканлиги, улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш МКнинг 76-моддасига зидлиги аниқланиб, иш берувчига қонунбузарликни бартараф қилиш учун тақдимнома киритилди.Тақдимнома қаноатлантирилмагач, судга даъво аризаси билан мурожаат қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2014 йил 2 апреддаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, Г.Каримова, С.Саидова, Б.Худойқулова, И.Жўраева ва У.Шоматовалар Дўстлик ТЙХТФПКга ишга тикланиб, уларга тўланмаган 473.465 сўмдан иш ҳақи, 1.065.297 сўмдан мажбурий бекор юрган кунларига ҳақ ва 400.000 сўмдан маънавий зарар ундириб берилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман)нинг Жиззах вилояти бўйича вакили, Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Жиззах вилоят адлия бошқармаси билан Ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлар ҳамкорликда ўрганилмоқда.

Хусусан, фуқаро Г.Қувноқованинг ишга ғайриқонуний қўйилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати бирлашма билан вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида ўрганилиб, иш берувчига қонунбузарликни бартараф қилиш учун тақдимнома киритилди.

Тақдимнома қаноатлантирилмагач, судга даъво ариза киритилиб, Г.Қувноқованинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. У ишлаган Жиззах шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби директорига Г.Қувноқовани ўз ишига қўйиш мажбурияти юкланиб, Г.Қувноқовага 2.154.772 сўм иш ҳақи, 500.000 сўм маънавий зарар ундирилди.

Қонунбузарликларни бартараф қилиш учун киритилган 12 та тақдимноманинг 6 таси ижобий ҳал қилиниб, 6 таси эса судларга даъво ариза киритилгач қаноатлантирилди.

Йилнинг ўтган даврида 30 нафар ходимнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларга иш берувчилардан 180 млн. сўмдан ошиқ моддий ва маънавий зарарлар ундирилди.

Дарвоқе, фуқароларнинг топталган ҳуқуқини тиклаш бурчимиз, аммо, унинг бузилишига йўл қўймаслик муқаддас вазифамиздир.

**Эркин УМРЗОҚОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири**

**Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Бахтиёр РИЗАЕВ ва Абдуманнап АЗИМОВ тайёрлади.**

Реклама ва эълонлар

**Аукцион савдолари хабарномаси**

**«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2014 йил 4 сентябр куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят хўжалик судининг 05.05.2014 йилдаги 11-1435/2324-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент вилояти Қибрай тумани «KRONOMAX» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 24.07.2014 йилдаги 1-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 29.07.2014 йилдаги 45-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 427 899 500 (Тўрт юз йигирма етти миллион саккиз юз тўқсон тўққиз минг беш) сўм бўлган Тошкент вилояти Қибрай тумани, Байтқўрғон Қ.Ф.Й. манзилида жойлашган умумий ер майдони 1 425,0 кв.метр, қурилиш майдони 752,76 кв.метрдан иборат омборхона бино-иншоотлари ҳамда 8 номдан иборат товар ва моддий бойликлари билан бирга мужассам ҳолда қўйилмоқда.

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 3 сентябр кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорл

# БАРКАМОЛЛИК АСОСИ

**Нукус шаҳридаги 15-мактабгача таълим муассасасида болажонларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган.**

*110 нафар бола тарбияланаётган муассасада ўқув ва тўгарак машғулотлари билан бир қаторда турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб келинади. «Боғча маликаси», «Йигитлар султони» танловлари, «Полвонжон-соғломжон», «Ким эпчил-у, ким чаққон», «Кичкинтой-ширинтой» каби спорт мусобақалари болажонларнинг иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.*

**Суратда: Нукус шаҳридаги 15-мактабгача таълим муассасасида.**

**ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат**

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

● Сузиш

***Республика ихтисослаштирилган сув спорти саройида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида сузиш бўйича мусобақа уюштирилди.***

# СУВ МАЛИКАЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб 13-15 ёшли ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган ушбу турнир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎзКУФК, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика сузиш федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, истиқлолдан буён ўтган давр мобайнида аёллар, болалар спортини равнақ топтириш, янги-янги спорт иншоотлари, соғломлаштириш масканлари, болалар ва ўсмирлар мактаблари барпо этиш, уларни зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида спорт мураббияларини тайёрлашга оид тизимли ишлар амалга оширилди. Халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётган спортчилар доимий рағбатлантирилаётгани, уларга катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётгани ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳри ва қизиқишининг тобора ортаётганида, мазкур йўналишдаги секциялар, тўгаракларга қатнаётган ўқувчи-ёшлар сафи муттасил кенгайиб бораётганида яққол кўринмоқда. Буларнинг барчаси ўқувчи-ёшларнинг физиологик, психологик ривожланишида ижобий кўрсаткичларга эришиш, қатъиятли, иродали, мақсад сари интилувчан шахс бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёллар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, уларнинг оммавий тарзда спорт билан шуғулланишини таъминлаш, қизларни спортга кўпроқ қизиқтириш бўйича мураббийлар билан ишлашни янада кучайтириш, спортчи талаба-қизларнинг интилишини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятни янги босқичга кўтаришни кўзлаб алоҳида дастур асосида иш олиб бормоқда.

Турнирда ҳаваскор спортчилар 50 метрлик масофага сузиш бўйича мусобақалашди. Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

● Эркин ва юнон-рум кураши

***Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рашид Қурбонов (-74 кг.) ва Рустам Ассакалов (-85 кг.) Боку шаҳрида ўтказилган Олтин Гран-При турнирида совриндорлар сафидан ўрин олишди.***

# ИККИ КУМУШ, ИККИ БРОНЗА

Рашид Қурбонов эркин кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда кумуш медални қўлга киритган бўлса, Рустам Ассакалов юнон-рум курашчилари беллашувида бронза медали билан тақдирланди.

***

Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда икки полвонимиз кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Уч карра Осиё ўйинлари ғолиби, икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (-57 кг.) финалга қадар кечган беллашувларни ғалаба билан якунлаб, якунда кумуш медал совриндори бўлди. Яна бир тажрибали спортчимиз, қатор нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндори Ихтиёр Наврўзов (-65 кг.) бронза медални қўлга киритди.

Шотокан каратэ-до ●

***Юртимиз шотокан каратэ-до ассоциацияси аъзолари Лас-Вегас (АҚШ) шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда беш олтин, уч кумуш ва уч бронза медалини қўлга киритди.***

# МЕДАЛЛАР ШОДА-ШОДА

Кумитэ ва спарринг йўналишларида иштирок этган Рустам Тошназаров, Нишонбой Ҳайдаров, Адҳам Иброҳимов, Саидлазиз Бурҳонов, Дониёр Усмоновлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медалларни термамиз ғазнасига қўшиб қўйдилар.

**Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири**

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

## Кўргазма

***«Оловли муҳаббат» шаҳри номини олган Париж кўчалари-ю, мафтункор бинолари тасвирини юртдошларимизга тақдим этиш мақсадида профессионал фоторассом Владимир Шлосберг шахсий расмлари кўргазмасини тақдим этди.***

# «ОЛОВЛИ МУҲАББАТ»

Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган мазкур фотокўргазма «Франция ўзбек фоторассомлари нигоҳида» дея номланди. Суратлар муаллифнинг бетакрор шаҳар ҳақидаги шахсий қарашини ифодалайди. Кўргазмага 100 дан ортиқ фоторасмлар жойлаштирилган бўлиб, уларда Париж шаҳрининг жонли табиати, инсонлари тафти уфуриб турибди.

Профессионал фоторассом маҳорати унинг ёруғлик, ранглар, экспозиция билан ишлаш қобилияти, гўзал, серқирра, кутилмаган ҳамда эсда қоладиган тимсоллар яратишга имкон берган.

Кўргазмага ташриф буюрганлар муаллиф билан биргаликда романтик ҳиссиётга тўла Парижнигина эмас, замонавийлик ва тарихийлик уйғунлашган шаҳарни кўришди.

**Нигина МАМАТҚУЛОВА ЎзДЖТУ талабаси**



## «Спортчи ходим — 2014»

***«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда, хусусан, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор.***

# ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибига кирувчи «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг тоғ ён-бағрида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканига сафари уюштирилди. Бу ерда ходимлар мазмунли ҳордиқ чиқариб, шу билан бирга, Соғлом бола йили ва Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Спортчи ходим — 2014» спорт мусобақаларида иштирок этишди.

Спортнинг стол тенниси, бадминтон, шашка, шахмат ва сузиш турлари бўйича кичик мусобақалар қизғин кечди. Ёшлар ўртасидаги беллашувларда А.Қаюмов, Н.Багдасарян, Ж.Обиджоновалар ғолибликка эришган бўлса, катталар ўртасида У.Абдумаликова, С.Пономарёв, М.Ҳожимуҳамедов, А.Ҳамроқуловлар шоҳсупага кўтарилишди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири**

## Соғлиғингиз ўз қўлингизда

***Микронутриентлар инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали қувват манбаи бўлиб, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари — витамин ва минерал моддалардан ташкил топган. Соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, айниқса, нотўғри овқатланиш оқибатида микронутриент танқислиги юзага келади. Бу эса турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, жамият тараққиётига катта ижтимоий-иқтисодий зарар етказади. Микронутриентлар танқислиги оналар ва болалар ўртасида касаллик ва ўлим даражасининг ошишига, шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг интеллектуал-жисмоний ривожланиши сусайишига, катта ёшдаги аҳолининг эса иш қобилияти пасайишига олиб келади. Оддийгина темир моддаси етишмаслиги натижасида анемия (камқонлик) юзага келиб, бу эса она соғлиги, айниқса, ҳомила ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади.***

# Микронутриент танқислиги иш қобилиятини пасайтиради

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, сайёрамизда 275 миллион нафардан ортиқ киши А витамини етишмаслиги оқибатида кўриш қобилиятини йўқотган. 45 миллион киши аҳлан заифлашган. Йилига 1-2 миллион бола нобуд бўлаётир. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, микронутриентлар етишмаслиги сабабли ҳар бир давлат кўраётган молиявий зарар ялпи иқтисодий даромаднинг 5 фоизини ташкил этади.

Мутахассис олимларнинг фикрича, касалликларнинг 80 фоизи микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ. Шу боисдан мамлакатимизда 2010 йил 7 июнда кучга кирган «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Микронутриентлар ўсимлик (мева-чева, полиз маҳсулотлари, барг, гул, илдиз, поя) ҳамда ҳайвон маҳсулотлари (гўшт, балиқ, тухум, сут, қатиқ) таркибида кўп бўлади. Бу каби мева-чева ва озиқ-овқат маҳсулотларини йил давомида етарли миқдорда истеъмол қилган киши микронутриентларга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳисобланади.

Инсоннинг тўғри овқатланишида асосий озиқ моддалари — оксид, ёғ, углевод ва витаминлар қанчалик катта аҳамият касб этса, озиқ-овқат, сув ва ҳаво билан танага қабул қилинадиган минерал моддалар ҳам шунчалик муҳимдир. Уларнинг меъёрдан кам ёки кўп бўлиши моддалар ва энергия алмашувига салбий таъсир қилиб, турли хасталикка олиб келади. Негаки, минерал моддалар ҳаётий жараёнларни бошқариб турувчи биологик фаол моддалар таркибига киради. Шунинг учун уларнинг меъёрдан ошиши ва камайиши физиологик жараёнларнинг издан чиқишига, энг ёмони, бу жараён турли касалликларга замин яратади.

Микронутриентларга бўлган талабнинг қондирилишида экологик муҳит катта аҳамият касб этади. Чунки иссиқ иқлимли ўлкамизда кўпгина витаминлар ва микроэлементларга бўлган талаб тегишли маълумотномаларда кўрсатилганидан юқори бўлиши илмий жиҳатдан исботланган. Шу билан бирга, зўриқиб ишлаш, кундалик ҳаётга электрониканинг чуқур кириб бориши (компютерлар, мобил алоқа воситалари ва бошқалар) ҳам микронутриентларга бўлган талабни бир неча баробар оширади. Негаки, витаминлар организмда қувват алмашинувини бошқаради.

Инсон танасида кимёвий элементлар турлича миқдорда учрайди. Жумладан, кальций 1,5 - 2,2 фоиз, йод 0,0004 фоиз, темир ва магний 0,0003 фоизни ташкил этади.

Организмда у ёки бу витаминлар умуман бўлмаса, авитаминоз касаллиги юзага келади, витаминлар етишмаслигидан содир бўладиган хасталиклар эса гиповитаминозлар деб юритилади. Шуниси ҳам борки, витаминларни меъёридан кўп қабул қилиш гипервитаминозни келтириб чиқиради. Витаминларнинг табиий манбаларини истеъмол қилиш чоғида эса бундай ҳолат кузатилмайди.

Организмда микронутриентлар етарли бўлиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида маълум миқдорда сув, ёғ, оқсил ва углеводлар мавжуд бўлиши керак. Бу эса қувват ўрнини босиб, организмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис истеъмол қилинадиган таомнинг ўзига хос хусусияти, кучи таркибидаги энергия моддаларига қараб баҳоланади. Масалан, оғир ва давомли меҳнат қиладиган одамларга, айниқса, спорт билан шуғулланадиганларга зарур қувват олиш учун ёғли гўшт, балиқ ҳамда ширинликларни бошқаларга қараганда кўпроқ ейиш тавсия қилинади. Шунингдек, таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар бўлган сут-қатиқ, ҳайвон маҳсулотлари, дон ва илдизмева ҳамда мева-чевалар истеъмол қилиш лозим. Бу каби маҳсулотлар таркибида қайд қилинган микронутриентлардан ташқари, қатор витаминлар, маъданлар ва бошқа биологик фаол моддалар ҳам бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, касалликларга қарши ишлатиладиган дори-дармонларнинг аксарият қисми асосан микронутриентлар ва уларнинг бирикмаларидан иборат бўлиб, биринчи навбатда, вужуднинг у ёки бу моддага нисбатан талабини қондиради ва меъёрлаштиради.

Аслида, минерал моддалар одам танаси умумий вазнининг 4 фоизини ташкил қилади. Уларнинг ярми суяклар, тиш, тирноқ, соч каби танамизнинг қаттиқ қисмларида бўлса, қолгани лимфа, қон, тўқималар каби юмшоқ қисмларда бўлади. Инсон танасининг 70-80 фоизини ташкил этадиган сув таркибида ҳам кислород, углерод, водород, азот сингари унсурлар эриган ҳолда мавжуддир. Шуни алоҳида айтиш керакки, танамизнинг ҳар бир аъзоси, ҳужайра ва тўқималарда кимёвий элементлар аниқ бир нисбатда туради. Бу нисбатнинг бузилиши эса касалликка олиб келади. Масалан, ҳужайра ичида калий ва магний, ташқарисида эса натрий ва калций кўп бўлади. Ушбу нисбатнинг бузилиши танадаги аъзоларда шишларни, кейинчалик бошқа хасталикларни келтириб чиқаради.

Умуман, у ёки бу моддаларга тақчиллик сезилганда, уларни дори сифатида қабул қилишга шошилманг. Аксинча, табиий манбалар — мева-чева ва сабзавот маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилганингиз маъқул. Чунки инсон учун табиий озиқ моддалари ўта фойдали бўлиб, улар танамиздаги ҳужайра ва тўқималарни тегишли микронутриентлар билан таъминлаб туради. Шунингдек, ўсимлик маҳсулотларини «тирик» ҳолда истеъмол қилиш орқали барча кимёвий элементларни етарли миқдорда қабул қиламиз ва ортиқчасини танадан чиқариб юборамиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг макронутриентлар билан бойитилиши аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини асрашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Мутахассисларнинг эътироф этишича, биргина унни микронутриентлар билан бойитиш натижасида камқонлик даражаси аҳоли ўртасида 5-7 фоизгача камайиши кузатилмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, микронутриентлар самарадорлигини ошириш аҳолининг тўғри овқатланиши ҳамда ўз саломатлигига эътиборли бўлишига боғлиқдир.

**Нурилла ШАРИПОВ, олий тоифали шифокор**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 18.20
Topshirildi - 18.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4